

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ**

**ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА**

ТОШКЕНТ – 2013

Мазкур тавсиянома умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар фойдаланишлари учун тавсия қилинади.

Муаллиф: **О.Наржигитов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари

Такризчилар: **Р.Алматова** – Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

Л.Зайнутдинова – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази услубчиси

М.Асланова – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ нинг “Жисмоний тарбия, мактабдан ташқари таълим ва амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Ф.Зиятов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази услубчиси

Ушбу тавсиянома Республика Талим маркази ҳузуридаги “маънавий-маърифий ишлар” йўналиши бўйича Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 17 апрелдаги 2-сонли йиғилиши қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

КИРИШ

Мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисми бўлиб, у мактаб таълимидан ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтирувчи пиллапоя вазифасини ўтайди. Шундай экан бу тизимда фаолият олиб бораётган педагоглардан, айниқса тўғарак раҳбарларидан жуда катта масъулият талаб этилади. Чунки мазкур таълим тизимида тўғарак аъзолари билан ишлайдиган асосий куч тўғарак раҳбарларидир.

Тўғарак раҳбари ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриши ва тўғарак машғулотларини қизиқарли ташкил этиши, тўғарак машғулотларини интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтказиши лозим. Шунинг учун ҳам тўғарак машғулотлари таҳлили ушбу жараёни ривожлантирувчи омил ҳисобланади.

Таҳлил фақатгина раҳбарият ёки методистлар томонидан эмас, балки тўғарак раҳбарлари томонидан ҳам олиб борилиши лозим. Бунда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида услубий ишларни ташкил этиш ва ривожлантириш, тўғарак раҳбарлари ўртасида тажриба алмашинуви ва тўғарак машғулотларини сифатли ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида тўғарак машғулотларини таҳлил қилишни ташкил этиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ўқув жараёнини янада сифатли ташкил этишининг самарадорлигини оширади.

Мазкур тавсиянома умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагоглари учун мўлжалланган бўлиб, тавсияномада машғулотларни таҳлил этиш методикаси, унинг мақсади, турлари ҳамда Очиқ тўғарак машғулотларини ташкил ва таҳлил этиш, шунингдек, назарий ва амалий машғулотларни таҳлил этишда тўғарак раҳбарлари тажриба алмашишлари, методистларнинг тўғарак машғулотларини таҳлил этишдан мақсадлари ҳақида маълумотлар берилади. Ўз ишларини янада такомиллаштиришлари учун маъқул билимларини амалиёт даврида қўллашда кўникма ҳосил қиладилар.

Машғулот жараёнида ўқув материаллари: китоблар, тестлар, тарқатма материаллар, ўқув-ёзув жихозлари (маркер, оқ қоғоз, елим, қайчи, ўчирғич, чизғич, рангли карточкалар ва бошқалар) бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу тавсиянома билан танишган педагоглар қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишади:

- машғулоти таҳлил этиш мақсадини тушунтириш;
- Очiq тўгарак машғулотларини ташкил этиш ва таҳлил этиш;
- тўгарак машғулотларнинг таҳлиliga тайёргарлик кўриш;
- тўгарак машғулотлари таҳлили турларини айтиб бериш;
- машғулотларни таҳлил этишда, унинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш;
- машғулотларни аниқ мезонларига кўра таҳлил қилиш;
- кузатилган тўгарак машғулотини баҳолаш;
- кузатилган тўгарак машғулотини ҳужжатлаштиш.

ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Мактабдан ташқари таълим тизимида услубий ишларни ташкил этиш ва ривожлантириш, тўғарак раҳбарлари ўртасида тажриба алмашинуви ва тўғарак машғулотларини сифатли ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида тўғарак машғулотларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ўқув жараёнини янада сифатли ташкил этишнинг самарадорлигини оширади.

Тўғарак машғулотлари жараёнида педагогнинг кичик гуруҳлар билан ишлаш фаолияти натижаларини аниқлаш мақсадида бир неча мезонлар белгиланади, улар қуйидагилар:

- мазмун (берилган мавзунинг тўлиқ мазмуни баён этилиши керак);
- фаоллик (гуруҳдаги тўғарак аъзолари фаоллиги назарда тутилади);
- дизайн (тақдим этилаётган мавзуга ижодий ёндашиши);
- регламенти (ҳар бир тўғарак машғулотининг ягона вақтга амал қилиниши);
- тақдимот ва натижа (таҳсил олувчи, эксперт ва таҳсил берувчи).

Машғулот таҳлилини шартли равишда қуйидаги 4 турга бўлиш мумкин:

1. Илмий.
2. Методик.
3. Дидактик.
4. Умумпедагогик ва умумпсихологик.

Илмий таҳлил – берилаётган билимларнинг илмий-назарий жиҳати, тўғарак аъзолари бажараётган машғулотнинг мақсадга мувофиқ йўналиши жиҳатдан тўғрилигини аниқлаш демакдир. Бунда асосан қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- тўғарак раҳбарининг шу кунги машғулотга илмий-методик жиҳатдан тайёрланганлик ҳолати;
- ўз мутахассислиги бўйича илмий-назарий ахборотлар билан қуролланганлиги;
- тўғарак машғулотлари жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда илмий анъаналарнинг тўғарак аъзолари онгига сингдириб борилиши;

- тўғарак машғулоти материалларининг қўшимча адабиётлар билан бойитилиши;
- тўғарак аъзолари тўғарак машғулоти мавзуларини илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукамал баён этишини тўғарак раҳбари томонидан назорат қилиниши;
- тўғарак машғулот давомида, янги мавзунини баён этишни тўғарак раҳбари томонидан назорат қилиниши, таълимни тарбия билан боғлаб олиб борилиши;
- тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзоларининг нутқ маданияти.

Методик таҳлил. Тўғарак раҳбарининг тўғарак машғулоти жараёнида қўллаган усул ва методларининг мақсадга мувофиқлиги таълимнинг турига ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларига қараб белгиланади. Ўқув материалини баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслигини методик таҳлил давомида аниқланади.

Тўғарак раҳбари машғулотда қўллаган усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги, унинг ўтган янги мавзу материалини тўғарак аъзоларининг қай даражада ўзлаштирилганлиги билан белгиланади. Тўғарак машғулоти томонидан таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- Илмий асосланган ахборотлар бериш;
- Илмий қоида ва таърифларни раво, тушунарли, баланд овозда тўғарак аъзоларига етказиш;
- Мантиқий ва ўринли мисолларни ўз вақтида келтириш ва амалда кўрсатиб бериш;
- Тўғарак машғулоти материалларини қўшимча адабиётлар билан бойитиш;
- Тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари бажарадиган амалий ва мустақил ишнинг илмий-назарий жиҳатдан мувофиқлиги.

Бундан ташқари методик таҳлил жараёнида тўғарак раҳбари машғулот материалларини тўғарак аъзоларига қандай услубда етказиш малакаси ўрганилади.

Тўғарак машғулоти томонидан методик жиҳатдан таҳлил этишда қуйидаги мезонлардан фойдаланишимиз лозим:

- Тўғарак машғулотининг технологик харитасини ишлаб чиққанлиги;
- Ўқув мақсади ва натижаларининг тўғри белгиланганлиги;

- Тўғарак машғулоти босқичига мос равишда метод танланганлиги, метод қоидаларига амал қилинганлиги;
- Методни амалга оширишда таълимнинг ташкилий шаклларида унумли фойданиши;
- Таълим методи, шакли ва таълим воситаларини уйғунлашувига эришганлиги.

Дидактик таҳлил – бу тўғарак раҳбари машғулотини таълим тамойилларига амал қилган ҳолда (машғулотга қўйиладиган талаблар асосида) олиб борилишини назарда тутди. Тўғарак машғулотларини дидактик жиҳатдан таҳлил этишда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- Таълим воситаларини тўғри танлаб ўринли фойдаланилганлиги;
- Тўғарак машғулотида кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборатлиги;
- Тўғарак машғулотидида тўғарак аъзоларининг фаоллигига эришганлик даражаси;
- Тўғарак машғулотига ажратилган вақтдан унумли фойдаланиши.

Умумпедагогик ва умумпсихологик таҳлил – бу тўғарак машғулотининг илмий, методик ва дидактик жиҳатларнинг мажмуини назарда тутди:

- Ўқув хонасининг жиҳозланганлик даражаси;
- Ўқув хонасининг санитар-гигиеник ҳолати;
- Тўғарак аъзолари билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изоҳли бўлиши;
- Тўғарак машғулотидида тўғарак аъзоларининг ўзлаштириш сифати;
- Тўғарак машғулотидида тўғарак раҳбари асосий мақсадига эриша олганлиги;
- Тўғарак раҳбарининг тўғарак машғулотини ташкил этиш ва машғулот босқичларидан тўғри фойдаланиши;
- Тўғарак машғулотининг илмийлилик жиҳати;
- Тўғарак машғулотининг методик жиҳати;
- Тўғарак машғулотининг дидактик жиҳати.

ОЧИҚ ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Муайян тўғарак машғулоти бўйича ўқув дастуридаги мавзунини тўғарак аъзолари, шунингдек, ушбу мавзуга қизиқиш билдирган ва махсус таклиф этилган педагоглар иштирокида турли шаклда ўтказиладиган машғулотлар очик тўғарак машғулотлари деб аталади.

Очик тўғарак машғулотларининг ташкил этишдан мақсад иш юзасидан тажриба алмашиш, таълим беришнинг илғор методларининг ёйиш, камчиликларни бартараф этиб, уни тузатишга ёрдам бериш.

Шунингдек, таълим муассасаси педагогларининг фан, техника ва технологиялар соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлардан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда тўғарак машғулотининг тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир.

Очик тўғарак машғулотларининг ўтказиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- тўғарак аъзоларига соҳадаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни етказиш;
- таълим сифатининг бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;
- илмий-услубий жиҳатдан етук тўғарак машғулоти материалларининг тарғибот этиш;
- ёш педагог кадрларнинг касб маҳоратини ошириш;
- юқори савиядаги очик машғулот муаллифларининг моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Очик тўғарак машғулотлари, одатда, ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий даража ва унвонларга эга бўлган тажрибали тўғарак раҳбарлари томонидан ўтказилади.

Ҳар бир очик машғулотга яхшилаб тайёрланиб, тўғарак машғулотининг барча босқичлари ва вақтнинг тақсимланиши пухта ўйлангани, машғулот кўргазмалари ўқув қуроллари, техник воситалари, таълим метод ва таълим шакллари билан тўғри танланган бўлиши керак.

Очиқ тўғарак машғулотларини ташкил этиш тартиби.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида очик тўғарак машғулотлари ўқув режадаги барча тўғарак машғулотларида ўтказилиши мумкин. Очиқ тўғарак машғулотларини ўтказиш режаси ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Очиқ тўғарак машғулотини ўтишдан аввал кенгайтирилган режа тузиб, унда машғулотдан кўзда тутилган ўқув тарбиявий ишлар мақсади, уни амалга ошириш босқичлари кўрсатилади.

Машғулот мавзуси, услуби, қўлланиладиган техник воситалар тўғарак раҳбари томонидан ихтиёрий танланади.

Очиқ тўғарак машғулотларининг сифатли ўтилиши тўғарак раҳбарининг машғулотга қай даражада тайёрланганлигига боғлиқ.

Тўғарак раҳбари биринчи навбатда очик тўғарак машғулоти режасини пухта ишлаб чиқиш керак, очик тўғарак машғулоти режасида машғулотнинг мавзуси (мавзучалар), машғулотнинг мақсади, мазмунини тўлиқ очиқ берадиган саволлар, машғулот давомида зарур бўладиган кўргазмали қуроллар, техника воситалари ва тўғарак аъзолари билимларини назорат қилиш учун саволлар ҳамда тўғарак машғулотини ўтиш элементлари (методлари)дан фойдалана олиши керак.

Очиқ тўғарак машғулоти вақтидан мазмунли фойдаланиш учун олдиндан тўғарак машғулоти режасига, аниқ тушинарли саволларни киритиш керак.

Ҳар бир тўғарак машғулотининг мавзусини 2-3 та режага ажратиб, машғулот мавзуси юзасидан саволлар тайёрлаб доскага ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу машғулот вақтини тежаб қолади ва тўғарак аъзоларининг диққатини бир жойга жамлайди. Машғулот вақти камлигини инобатга олган ҳолда мавзунинг керакли, қизиқарли томонларини танлаб олади.

Тўғарак аъзоларининг тўғарак машғулотларни ўзлаштириши машғулотни тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Лекин машғулот ўтиш схемаси бир қолипда ўтказилиши шарт эмас. Режа структурасидаги бўлимларни тўғарак раҳбари ижодий ёндошиб кетма-кетлигини ўзгартириши мумкин. Тўғарак аъзоларининг мавзуни ўзлаштиришларига қараб, қўшимча элементлардан фойдаланиши мумкин.

Очиқ тўғарак машғулотларини эълон қилиш. Очиқ тўғарак машғулотни ўтказилиши ҳақидаги ахборот таълим муассасаларида бир ҳафта олдин эълон қилинади. Эълонда очиқ тўғарак машғулотни мавзуси, тўғарак раҳбарининг фамилияси, исми-шарифи, илмий даражаси, унвони ва тоифаси ҳамда очиқ тўғарак машғулотни ўтказиш куни, жойи ва вақти кўрсатилади.

Очиқ тўғарак машғулотларида ушбу машғулотни ташкил этаётган муассасанинг ёш педагог-методистларининг қатнашиши тавсия этилади.

Очиқ тўғарак машғулотлари муҳокамасини уюштириш. Очиқ тўғарак машғулотларининг мазмун-моҳияти ва илмий-услубий савияси бўйича муҳокамаси очиқ тўғарак машғулотидан сўнг, услубий кенгашнинг навбатдан ташқари йиғилишларида давом эттирилади.

Ҳар бир очиқ тўғарак машғулотни тугаши билан унда иштирок этган педагогларда олинган таассуротлар янгилигида муҳокама қилинади. Муҳокамани услубий кенгаш раиси бошлайди. У машғулотнинг мақсадини эслатиб ўтади ва очиқ тўғарак машғулотни ўтган тўғарак раҳбарига сўз берилади. Машғулотда керакли мақсадга эришдими йўқми, машғулотнинг қайси жиҳатлари яхши ўтди-ю, қандай камчиликлар бўлди, тўғарак аъзоларининг билимида қандай камчиликлар аниқланди ва умуман ўтилган очиқ тўғарак машғулотини қандай баҳолаши ҳақида гапиради.

Сўнгра машғулот ҳақида унда қатнашган педагоглар ва таълим муассасаси раҳбари фикр билдиради. Улар машғулотни таҳлил қиладилар, машғулотнинг ютуқ ва камчиликларини, машғулотнинг у ёки бу босқичини қандай ўтганда яхши бўлиши айтилиб методик тавсиялар берилади. Муҳокама ишчанлик руҳида, ҳар томонлама танқидий ва энг муҳими хайрихоҳлик билан ўтиши керак.

Очиқ тўғарак машғулотини ўтиш катта диққат-эътиборни талаб қилади, ҳатто энг тажрибали тўғарак раҳбари ҳам баъзи нарсаларни эсдан чиқаради. Очиқ машғулотни малакали таҳлил қилиш, тарбиявий талабларнинг амалий аҳамиятини очиб бериш, барча ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар учун яхши мактаб ролини ўтайди.

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Тўғарак машғулоти таҳлили, педагог фаолиятини ўрганиш ва текшириш, педагогик ишнинг ижобий ва салбий томонларини чуқур билишга асосланилган малакали ёрдамдир.

Тўғарак раҳбарлари бир-бирларининг машғулотларига киришлари уларни тажриба алмашиш тартибида таҳлил қилишлари ва ўз ишларини янада такомиллаштириш йўллари қидиришлари мақсадга мувофиқдир. Тўғри ташкил этилган назорат тўғарак раҳбарларининг энг яхши тажрибаларни аниқлаш ҳамда уни оммалаштириш чораларини кўришда ёрдам беради.

Ўқув ишини назорат қилиш доимий, режали объектлар бўлиши керак. Уни шундай ташкил қилиш керакки, у тўғарак раҳбарларида ижобий ташаббусни, ўқув иш ҳолатига жавобгарлик ҳиссини уйғотсин.

Методистлар тўғарак машғулотларини таҳлил қилишда қуйидаги тайёргарлик босқичларини кўриши лозим:

1. Тўғарак машғулотларига кириш мақсадини аниқлаш;
2. Тўғарак машғулотларини текширишни режалаштириш;
3. Тўғарак машғулотларини назорат қилишга тайёрланиш;
4. Тўғарак машғулотларига кириш;
5. Тўғарак машғулотлари таҳлили.

Ўқув муассасаси методистларининг тўғарак машғулотларига киришдан мақсади

Методистларнинг тўғарак машғулотларига киришларидан мақсад:

1. Тўғарак машғулоти мазмунининг ўқув дастурига мувофиқлигини аниқлаш;
2. Ўрганилаётган материалнинг илмий режасини ва унинг ғоявий йўналишини аниқлаш;
3. Тўғарак машғулотларида дидактиканинг асосий тамойилларига риоя қилинаётганлигини текшириш;
4. Тўғарак машғулоти тури ўқитишнинг метод ва тамойилларини тўғри танланганлигини текшириш;
5. Тўғарак машғулотининг тарбиявий аҳамиятини текшириш;
6. Тўғарак раҳбарининг машғулот ўтишга ва мазкур машғулотни олиб боришга тайёргарлигини текшириш;
7. Тўғарак машғулотининг тўғри ташкил қилинмаганлигини баҳолаш.

Мақсадига кўра назорат қуйидаги турларга бўлинади:

Фронтал (кундалик умумий текшириш).

Тематик назорат бу назоратнинг амалда энг кўп тарқалган тури ҳисобланади ва педагогнинг иш тизимини ўрганишдир. Тўғарак раҳбарининг таълим-тарбиявий ишининг сифатини фронтал усулда текширганда улар ўз вазифаларини қанчалик виждонан ва батартиб бажараётганликларини, қандай ёрдамга муҳтожликларини аниқлаш керак.

Тўғарак машғулотларига бундай мақсадларда кириш ҳар бир ўқув йили доирасида бир меъёрга режалаштирилади. Илгариги ишларида камчиликлар (педагогик маҳоратнинг пастлиги, машғулотларининг ёмон режалаштирилганлиги, тўғарак аъзолари билим ва кўникма сифатларининг пастлиги гуруҳда интизомнинг ёмонлиги) ва шу кабилар сезилган тўғарак раҳбарларининг ўқув машғулотларини тез-тез назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғарак машғулотларини текширишни режалаштириш

Ўқув муассасаси методистларининг тўғарак машғулотларига киришлари пухта ўйланган режа бўйича олиб борилади. Режалаштирилган назорат ўз вақтида хатоларнинг олдини олиш ва ўқитишда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш имконини беради.

Таълим-тарбиявий жараённинг ҳолат ва мазмунини назорат қилиш режасини ўқув муассасасининг директори (маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва методисти билан биргаликда) ҳар бир ўқув йилига ўқув муассасаси ҳусусиятлари, педагогик жамоасининг квалификацияси, ўқув йили ёки ярим йиллигининг натижаларини назарда тутган ҳолда тузади. Педагогик назорат ўқув муассасасидаги методик иш комплекси билан ҳар томонлама боғланган бўлиши керак.

Тўғарак машғулотларига кириш тўғарак машғулотлари жадвали, тўғарак раҳбарларининг иш режалари ва бошқа шартларга кўра режалаштирилади. Эндигина тўғарак раҳбари фаолиятини юритаётган ёшларнинг тўғарак машғулотларига зарурият туғилганда кириш, уларнинг ишлари билан танишиш ҳамда улар қандай ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш, тажрибали тўғарак раҳбарларининг машғулотларига эса уларни ўрганиш ва тажрибаларини ўқув

муассасасининг етарлича тажрибага эга бўлмаган ёш ходимлари ўртасида тарқатиш мақсадида кирилади.

Ўқув муассасаси педагог ходимларнинг тўғарак машғулотларига киришни ўқув йилига мўлжаллаб режалаштириш мақсадга мувофиқ. Мана шундай режалар асосида машғулотларга киришнинг ойлик, ҳафталик режалари ҳам ишлаб чиқилади. Уларда мазкур даврда машғулотларда ўрганилаётган дастурнинг бўлимлари ёки мавзулари аниқланади, машғулотларга кириладиган саналар, текширишнинг шакли ва методлари кўрсатилади.

Тўғарак машғулотларини назорат қилишга тайёрланиш

Ўқув муассасаси услубчилари томонидан қилинган педагогик назоратнинг савияси ва таъсирчанлиги аввало уларнинг тайёрланиш даражасига боғлиқ. Тўғарак машғулотларини тўғри таҳлил қилиш учун методистлар таълим-тарбиявий ишнинг мазмуни ва ташкил қилинишининг тўғарак аъзоларини ўқитиш ва тарбиялашнинг метод ва шакллари, ҳозирги замон илмий-техника, педагогика, методикага доир ва бошқа адабиётларни кузатиб боришлари керак.

Тўғарак машғулотида киришдан олдин методист:

- тўғарак машғулотида кириш мақсадини аниқлайди;
- кириши мўлжалланган тўғарак машғулотида ўрганиладиган ўқув материалининг мазмунини билиб олади;
- мазкур тўғарак бўйича дастур талаблари ва шунга мувофиқ ўқув қўлланмаси, методик адабиётлар билан танишади;
- тўғарак машғулоти журналининг кўриб чиқади;
- тўғарак аъзоларининг жорий ўзлаштиришларини таҳлил қилиб, ўтилган материалнинг тўғарак машғулотлари журналида қайд қилиниши, келажак мавзулар режасига мувофиқ келишини ҳамда бўлажак тўғарак машғулотида ўрганиладиган мавзунини аниқлайди.

Тўғарак машғулотини таҳлил қилиш ва машғулот давомида ўз кузатишларини ёзишни таҳлилий намунасини ўйлаб қўяди.

Назарий тўғарак машғулотларини текширишни бошлашдан олдин текширувчига ўқув хонасининг ҳолати, ўқув кўргазмали қўлланмаларнинг белгиланган нормативларига мувофиқлиги, уларнинг ҳолати, замонавий таълим технология воситалари ҳамда кўрсатмали қуроллар билан таъминланганлиги билан танишиб чиқиш тавсия қилинади.

Тўғарак машғулотларига кириш

Тўғарак машғулотиغا кириш, уни ўтишни таҳлил қилиш, таълим-тарбиявий жараёни назорат қилишнинг асоси ҳисобланади. Таълим муассасаси раҳбарларининг тўғарак машғулотларига киришлари уларга тўғарак аъзоларини ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳақиқий аҳволи, педагог ходимларнинг муваффақияти ва камчиликлари билан танишишнинг имконини беради, бу эса ўз навбатида таълим муассасасида таълим-тарбиявий ишларни яхшилашга ёрдам беради.

Назарий тўғарак машғулотларига киришда машғулот бошланишидан олдин ёки тўғарак аъзолари билан бирга кириш тавсия этилади. Тўғарак машғулотлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун тўғарак машғулотининг бошидан охиригача кузатиш керак.

Агар тўғарак раҳбарининг ўқув ишини жорий текшириш мўлжалланса, тўғарак машғулотларига кириш ҳақида олдиндан огоҳлантириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Агар асосий мақсад тўғарак машғулотларини тематик ўрганиш, йўл-йўриқ бериш, тўғарак раҳбарининг малакасини ошириш бўлса, бундай тўғарак машғулотларига махсус тайёргарлик кўришлари учун уларни олдиндан огоҳлантириб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда етарлича тажрибага эга бўлмаган тўғарак раҳбарининг тўғарак машғулотиغا киришдан олдин у билан биргаликда мазкур машғулотларга қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш, унинг баъзи методик масалаларини ижодий ҳал қилишга ёрдам бериш тавсия қилинади.

Текширувчи таҳлилдан сўнг қисқа ёзувлар асосида тўғарак машғулоти ҳақида тўғри хулоса туза олиш ёки батафсил таҳлил қила олиши учун кузатувчан, диққатли бўлиши, кўрган ва эшитганларини ёдида сақлай билиши керак.

Тўғарак машғулотиغا кирган вақтда тўғарак аъзоларининг дафтарлари билан албатта танишиш, ёзувларнинг батартиблиги, саводлилиги, дафтарларнинг тўғарак раҳбари томонидан текширилишининг доимий ва сифатига эътибор бериш керак.

Текшириш натижалари махсус ҳужжат хизмати ўтовчи назорат журнаliga ёзилади. Ҳар бир раҳбар ходим бу журналга кирган машғулотлари ҳақидаги ўз хулосаларини ёзади ва батафсил таҳлил қилади, таълим-тарбия жараёнидан олинган барча фактларни бажаришлари керак бўлган тадбирларни қайд қилади. Журналлардаги бундай ёзувлар асосида тўғарак машғулотлари таҳлили ёзилиб,

педагогик ходимларнинг мулоҳаза ва таклифлари, тарбия ва ўқитиш бўйича ижобий тажрибалар билан танишиб чиқишлари учун услубчилар хонасига илиб қўйилади.

Тўғарак машғулоти таҳлили

Тўғарак машғулоти таҳлили педагогик фаолиятни ўрганиш ва текшириш педагог ишининг ижобий ва салбий томонларини чуқур ўрганишга асосланган ёрдамдир. Бир машғулот “яхши ёки ёмон” педагог ишидан хулоса чиқариш мумкин бўлмаслигини билиши керак.

Ҳар сафар таҳлилдан сўнг текширувчи тўғарак раҳбари билан суҳбат ўтказди, тўғарак машғулотини батафсил ва асосланган таҳлилни тинглайди, ўз мулоҳазаларини айтади, маслаҳатлар ва кўрсатмалар беради, тўғарак раҳбари билан биргаликда таълим-тарбиявий жараёни янада яхшилаш йўллари белгилайди.

Кузатилган тўғарак машғулоти бўйича хулоса ва таклифлар аниқ бўлиши керак. Ташкилий-маъмурий характердаги майда мулоҳазалар тўғарак раҳбарининг ўзига оғзаки айтилгани маъқул. Назоратнинг натижаларини кўриб чиқиб, даставвал тўғарак машғулотининг ижобий томонларини баҳолашдан бошлаш, сўнгра тўғарак машғулотини ўтказишдаги камчиликларни, тўғарак аъзоларининг билим-кўникмаларидаги камчиликларни таҳлил қилишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Айтилган бир вақтда тўғарак раҳбарига камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилади.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- фронтал текшириш натижаларини таълим муассасасининг педагогик ходимлари тўғарак аъзоларини ўқитиш ва тарбиялашдаги энг яхши тажрибадан фойдаланишлари учун услубий кенгашларда муҳокама қилиш;

- тўғарак аъзолари йўл қўядиган одатий хатоларни ўрганиш асосида педагогик муаммоларнинг бу муҳим томони юзасидан тадқиқот ишларини олиб бориш.

КУЗАТИЛГАН МАШҒУЛОТНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Тўғарак раҳбарлари машғулотини кузатиш ва уни таҳлил қилишни махсус дафтарга ёзган ҳолда ҳужжатлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур дафтарга кузатилган машғулотни қуйидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш мумкин.

1. Тўғарак машғулотини ўтувчи тўғарак раҳбари ва тўғарак машғулотни хонаси ҳақида умумий маълумотлар:

- шу кунги сана ва йил;

- тўғарак раҳбарининг исми ва шарифи;

- унинг маълумоти, педагогик стажи ва унвони;

- тўғарак машғулотни номи;

- тўғарак машғулотни мавзуси;

- ўқув хоналарининг таълим муассасаси гигиенаси талабларига тўлиқ жавоб бериш ҳолати.

2. Тўғарак раҳбарининг машғулотга тайёргарлик ҳолати:

- тўғарак раҳбарининг кундалик машғулот режаси ва баёни (унинг мақсадга мувофиқ ёки номувофиқ тузилганлиги);

- ўзи ишлаган ва тўғарак машғулотига олиб кириш учун танлаган кўргазмали қуроллари (диаграмма, таблица, расм, турли коллекция ҳамда гербарий кабилар);

- тўғарак машғулотни давомида кузатиш учун танланган ўқув фильмлар ёки диафильмлар (уларнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги);

- мазкур тўғарак машғулотига тайёргарлик даврида тўғарак раҳбари томонидан фойдаланилган илмий-методик ва умумий педагогик адабиётлар рўйхати.

Тўғарак машғулотлари таҳлили учун алоҳида дафтар ажратилмаганда қуйидаги ҳолатда тўғарак машғулотлари таҳлили бланкасидан фойдаланиш мумкин.

ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Тўғаракнинг номи _____

Тўғарак раҳбари _____

(Ф.И.Ш)

Машғулотга ажратилган вақт _____ дақиқа. Машғулот тури _____

Рўйхат бўйича ўқувчилар сони _____ Қатнашган ўқувчилар сони _____

Сана _____

ТАҲЛИЛ

1. Машғулот ўтказиладиган хонанинг ҳолати _____

2. Тўғарак раҳбарининг машғулот ўтишга тайёргарлиги (мавзу, иш режаси, журнал) _____

3. Мавзуга доир кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш _____

4. Мавзунинг ёритилиш даражаси _____

5. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси _____

6. Ютуқлар _____

7. Камчиликлар _____

8. Таклиф ва мулоҳазалар _____

9. Таҳлил қилди _____

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш)

10. Таҳлил билан танишдим _____

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш)

3. Тўғарак машғулоти кузатувчининг мақсади: Шу ўринда тўғарак машғулоти кузатувчи ўз олдига қайси мақсадни қўйган бўлса, таҳлил дафтарининг шу қисмига ёзиб қўяди. Масалан, тўғарак машғулотида тўғарак раҳбарининг таълимини тарбия билан боғлаш йўллари ва бу борадаги методларини ўрганиш.

4. Тўғарак машғулотининг боришига илмий-методик, дидактик, умумий педагогик ва умумий психологик тавсиф.

-тўғарак машғулотининг тузилиши, унинг қисмларини режалаштириш, вақтдан, ўқув тахтасидан ва ўқув кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (мазкур машғулот машғулотининг кабинет тизимида олиб борилганлиги ёки олиб борилмаганлиги), ўқув хонасининг санитар-гигиеник ҳолати, синфдаги тўғарак аъзоларини ўқув анжомлари билан қанчалик қуролланганлиги;

-ўрганилаётган мавзунинг вақт ва мазмун жиҳатидан ўқув дастурига мослиги, тўғарак раҳбари баён этаётган мавзунинг илмийлиги, тўлаллиги, мавзунинг тўғарак аъзолари ёшига мослиги, ғоявий қиммати, машғулотнинг тарбиявий аҳамияти, тўғарак раҳбари баёнининг равонлиги;

-ўтган машғулот мавзусининг сўралиши, янги мавзунинг ўтилган мавзуга боғланиши;

-тўғарак раҳбарининг машғулот ўтиш усул ва методлари, машғулот давомида олдинги ёки ўтган машғулотда ўтилган мавзунини сўрашда, янги мавзунини баён қилишда, мустаҳкамлаш ва яқунлашда тўғарак раҳбари қўллаган методлар, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, машғулот давомида фойдаланилган кўргазмали қуроллар, техник воситалар, машғулотда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши;

-тўғарак аъзоларининг машғулотга муносабати – машғулотга ўз вақтида етиб келиши, диққат билан тинглаши, кузатиши, қизиқиши, фаоллиги, иштиёқи, интизоми, мазкур фан асосларини билиши, мустақил фикрлаш қобилияти, амалий ёки лаборатория ишларини мустақил бажара олиши.

5. Тўғарак раҳбарининг тўғарак машғулотиға муносабати – ўз вақтида яхши тайёргарлик билан тўғарак машғулотиға келиши, мазкур гуруҳдаги тўғарак аъзоларининг психологиясини билиши, тўғарак машғулотида тўғарак аъзоларига нисбатан муомаласи, гуруҳни бошқара билиши, иш услуби, машғулотда тўғарак раҳбарининг раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиёфаси, тўғарак аъзолари ўртасидаги обрўси, машғулотда техника воситаларидан фойдаланиши, мазкур гуруҳ билан алоқаси ва ҳоказо.

6. Тўғарак машғулотининг ижобий ва салбий томонлари. Бунда кузатувчи тўғарак машғулотининг боришиға илмий методик, дидактик, умумий педагогик ҳамда умумий психологик йўналишдаги тавсифи ичидан тўғарак машғулотининг ютуқ ва камчиликлари териб олинади ва машғулот таҳлилининг шу қисмиға илмий ва умумпедагогик тавсияларини тўғарак машғулотларини кузатиш дафтарига ёзиши.

7. Тўғарак машғулоти хулосаси – тўғарак машғулоти режасининг бажарилиши, тўғарак раҳбарининг ўз олдиға қўйган таълим-тарбиявий мақсадиға тўлиқ эришиши ёки эриша олмаганлиги, тўғарак аъзолари билимининг сифати, машғулотдаги таълимнинг давлат ўқув дастуриға, стандартиға мослиги ва таълимнинг тарбияға боғланиши, тўғарак раҳбарининг илмий-методик жиҳатдан ёрдамға муҳтожлиги ёки мазкур тўғарак раҳбарининг илғор тажрибасини оммалаштиришға лойиқлиги ва ҳоказолар.

8. Тўғарак машғулоти самарадорлиги ва тўғарак раҳбарининг иш фаолиятини янада яхшилашға оид машғулот кузатувчи томонидан бериладиган таклифлар таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштиришға ёрдам бериши лозим. Маълумки, тўғарак машғулоти таҳлили фақатгина методик аҳамиятға эға бўлиб қолмай, балки таълим муассасасида ўқув тарбия ишларига раҳбарлик ва назоратнинг муҳим шакли ҳамдир.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил жараёни таълим муассасаси ишларида ёрдам беради, тўғарак машғулотлари таҳлили материаллари асосида таълим муассасаси раҳбарияти мутахассислар фаолият сифатини янада ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уни белгиланган тартибда амалға ошириш учун чора-тадбирлар кўради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. - Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Абдуқудусов О. “Ўқув муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммолари”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002
5. Антипова. А.Г. Замонавий дарс таҳлили. – Т.: 1993.
6. Баранов С.П., Болотина А.Р., Сластенин В.А. “Педагогика”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
7. Ишмуҳамедов Р ва бошқалар. “Тарбияда инновацион технологиялар”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2010.
8. Кравцов Н. И. “Профессионал техника таълими системасидаги методик ишларнинг мазмуни”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1976.
9. Мирқосимов М., Шукуров А. Дарсни кузатиш ва уни таҳлил қилишнинг педагогик йўналишлари. – Т.: 1998.
10. Мунавваров А. Қ. “Педагогика”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996
11. Педагог ва ишлаб чиқариш таълим усталари фаолияти самарадорлигини (рейтингини) аниқлаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида муваққат низом. – Т.: “Ўқитувчи”, 2006.

Мундарижа

Кириш	3
Тўғарак машғулотларини таҳлил этишнинг аҳамияти ва турлари	5
Очиқ тўғарак машғулотларини ташкил этиш ва таҳлил қилиш	8
Назарий ва амалий тўғарак машғулотларини таҳлил қилиш	11
Кузатилган машғулотни ҳужжатлаштириш	16
Фойдаланилган адабиётлар	20

